

FARG'ONA TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI



FERGHANA INTER-DISTRICT  
ECONOMIC COURT

150105, Farg'ona shahri, Al-Farg'oniy ko'chasi, 47

150105, Ferghana, Al-Fargoniy street, 47

Tel: (+99873) 244 65 40, 244 66 03

e-mail: i.fargona.t@sud.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Фарғона шаҳри**

**2023 йил 10 февраль**

**4-1501-2304/1119-сонли иш**

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Жамолиддинов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Эралиеванинг суд мажлиси котиблигида, аризачи вакили ХХХ (ишончномага асосан) иштирокида, Қувасой шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар "TERMISU" оилавий корхонасининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Фарғона туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Даъвогар Қувасой шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда Солиқ органи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат этиб жавобгар "TERMISU" оилавий корхонасини банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризани қаноатлантиришни сўради.

Ишни суд мажлисида кўриш вақти ва жойи ҳақидаги суд ажрими жавобгарни электрон шахсий кабинетига юборилган, лекин вакили судга келмади. Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекснинг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128 ва 170-моддаларига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни мумкин деб топди.

Суд, иш ҳужжатларини, далилларни текшириб, солиқ органи вакилининг тушунтиришини тинглаб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Жавобгар 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи топширмагани учун Солиқ органи қарор асосида жавобгарнинг банклардаги барча ҳисоб варақлари бўйича чиқим операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган. Шунингдек солиқ органи томонидан шу куни солиқ тўловчининг солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатилгани, ўн кун муддат ичида камчиликлар бартараф этилиши таъминланмаса, судга банкдаги ҳисобварақлар бўйича операциялар ўн кундан кўп муддатга тўхтатилиши ҳақида мурожаат қилиниши ҳақида хабарнома электрон шаклда юборилган.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига (бундан буён матнда СК деб юритилади) солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибига риоя этмагани учун Қувасой шаҳар Давлат солиқ инспекцияси судга ариза билан мурожаат этиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.



СК 82-моддасининг биринчи қисмига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботиغا илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

СК 106-моддасига асосан солиқ мажбуриятининг бажарилиши мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати, пенялар, банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ва солиқ тўловчининг мол-мулкани хатлаш билан таъминланиши мумкин.

СК 111-моддасининг биринчи қисмида “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади”, деб белгиланган.

СК 111-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини англатади. Ушбу модданинг олтинчи қисмига мувофиқ “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди”.

СК 112-моддасининг биринчи қисмида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 1-банди асосида — солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан кейин бир кундан кечиртирмасдан солиқ органи томонидан бекор қилиниши белгиланган.

Аризасига илова қилинган ҳужжатларга кўра, жавобгар қонунда белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этмасдан солиқ мажбуриятларини бажармаган, шунинг учун суд аризани қаноатлантиришни лозим деб топди.

“Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қонунини 9-моддасининг 12-бандига асосан аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда давлат божини тўлашдан озод қилинган, шунинг учун ИПК 118-моддасига асосан жавобгардан солиқ инспекцияси фойдасига фақат почта харажатини ундирилади. Ариза электрон шаклида судга юборилгани учун жавобгардан почта харажати ундирилмайди.

Бинобарин, суд ИПК 118, 176- 179, 215, 216, 217, 220, 221-222-моддаларига асосан,

## Қ А Р О Р    Қ И Л Д И:

Ариза қаноатлантирилсин.



Солиқ кодексининг 111-моддаси биринчи қисмига асосан жавобгар "TERMISU" оилавий корхонасини банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно) чиқиш қисми 2022 йил сентябрь оyi учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи солиқ органига топширилганига қадар тўхтатилсин.

Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш учун жавобгар "TERMISU" оилавий корхонасига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига суд ҳужжатини белгиланган тартибда тақдим этиш аризачи Қувасой шаҳар Давлат солиқ инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Қувасой шаҳар Давлат солиқ инспекцияси зиммасига ҳуқуқбузарлик бартараф этилган тақдирда бу ҳақда жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига бир кун муддат ичида банк ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тиклаш ҳақидаги кўрсатмани тақдим этиш мажбурияти юклатилсин. Қувасой шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг ҳуқуқбузарлик бартараф этилганлиги ва банк ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаси асосида ҳисоб варақлардаги операциялар тиклансин.

*Ишда иштирок этувчи шахслар ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Фарғона вилоят судига ўн кун муддат ичида апелляция шикоятни беришига ҳақли.*

**Раислик қилувчи:**

**Х.Жамолиддинов**

